



O'ZBEKISTON OVOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

2014-yil, 18-noyabr. Seshanba • 134 (31.881) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

Ўзбекистон Халқ демократик партияси мустақил ҳаётга кириб келаётган ёшлар касб танлаши, таълим олиши, биринчи иш ўрнига эга бўлиши учун адолатли, тенг ва ижтимоий жиҳатдан мақбул шарт-шароитлар яратилиши тарафдоридир!

САЙЛОВ — 2014

Депутатликка номзодлар рўйхатга олинди

Кеча Марказий сайлов комиссияси сайловларни ёритиш бўйича республика матбуот марказида матбуот анжумани ўтказди. Унда Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзо-Улугбек Абдусаломов Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш тўғрисидаги қарори ҳақида атрафлича ахборот берди.

Маълум қилинишича, жорий йил 15 ноябрь куни Марказий сайлов комиссияси йиғилишида сиёсий партиялар томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг қонунга мувофиқлиги батафсил текшириб чиқилган. Унинг



яқунларига кўра ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш тўғрисида»ги Қонунга биноан тегишли қарор қабул қилинган.

Таъкидланишича, сиёсий партиялар томонидан парламент Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни кўрсатиш бўйича барча тадбирлар қонун талабларига мувофиқ ҳолда, ошкоралик муҳитида амалга оширилган.

Депутатликка номзодларнинг 31,8 фоизи аёл-



лар ва бу қонунда белги-ланган меъёрга тўла мувофиқ келади.

Номзодларнинг 26,5 фоизи таълим, 20,2 фоизи ишлаб чиқариш, 20,8



фоизи иқтисод, 14,2 фоизи ҳуқуқ, 10,1 фоизи соғлиқни сақлаш соҳалари вакиллари ҳисобланади. Барча номзодлар олий маълумотли ва уларнинг

анжуманида бу масалага ҳам алоҳида эътибор берилди. Сайловолди ташвиқоти қонунга мувофиқ тартибда олиб бориш, сиёсий партиялар ва уларнинг номзодларига тенг шароит ҳамда имкониятлар яратилиши маълум қилинди.

Қатор халқаро ва хорижий ташкилотлар мутахассислари сайловларда кузатувчи сифатида иштирок этиш истагини билдирган. Марказий сайлов комиссияси ҳозиргача 300 нафардан ортиқ мамлакатимиз ва хорижда фаолият юритаётган оммавий ахборот воситалари вакиллари аккредитациядан ўтказган.

Матбуот анжуманида журналистлар сайловолди ташвиқоти олиб боришда тенг шароит яратиш, сайлов жараёнида қонунчиликка қатъий риоя қилиш каби масалалар юзасидан саволлар беришди. Уларга Марказий сайлов комиссияси раиси батафсил жавоб қайтарди.

Тўлқин ТўРАХОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган суратлар.

18 ноябрь — Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи қабул қилинган кун

Давлат рамзлари ҳар бир мамлакатнинг суверенитети ва мустақиллигини ифодаловчи муқаддас тимсоллардир. Ўзбекистоннинг давлат рамзлари халқимизнинг шон-шарафи, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида мужассам этиб, шу юртда яшовчи ҳар бир фуқарога гурур, фахр-ифтихор бағишлайди.

Ифтихор ва гурур тимсоли



Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, озоод Ўзбекистон фуқаролари учун мустақилликнинг муқаддас рамзлари — Давлат герби, Давлат байроғи, Давлат мадҳияси азиздир. Шу боис байроғимиз ёки гербимизга назар солганимизда ёки мадҳиямиз янраганда биз руҳан жўшқинлики, азму шижоатимиз ошганини, қалбимизда гурур ва буюк истиқболга ишонч туйғусини ҳис этамиз.

Ватанимиз мустақилликка эришгач, 1991 йилнинг 18 ноябрыда Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди.

Мана, йигирма уч йилдирки, миллий байроғимиз халқаро миқёсда мамлакатимиз обрў-эътиборини, юртдошларимиз қалбида Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини мустаҳкамлашда муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда.

Давлатимиз байроғидаги ҳар қайси ранг, ҳар бир белги чуқур маъно-мазмунга эга. Улар миллий давлатчилигимиз тарихидаги эзгу ифодаларни, айни пайтда мамлакатимизнинг табиий, миллий ва маънавий хусусиятларини ўзида мужассам этган. «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги Қонунда миллий тимсолимизни тасвирлаш ва ўрнатишга оид рангли-схематик тартиблар белгиланган.

Байроқдаги мовий ранг — мусаффо осмон ва тиниқ сув еру кўкдаги ҳаёт манбалари ифодаси. Оқ ранг тинчлик ва поклик рамзи сифатида халқимиз забот этадиган доволларга йўл очади. Яшарли ва янгилини тимсоли бўлган яшил ранг юртимизнинг гўзал табиатига қиёсдир. Қизил чизиклар эса томиримизда жўшиб оқаётган аждодлар қони — ҳаётий қудрат ва бардавомлик нишонасидир.

Янги ой юртимиздаги тинчлик ва фаровонлики, айни пайтда давлатчилигимиз тарихида янги давр бошланганини акс эттиради. Унинг ёнида саф торган 12 юлдуз беғуборлик, мукамаллик, донишмандлик ифодасидир.

Давлат рамзларининг муқаддаслигини, улар бизга элу юрт манфаати барча нарсадан устунлигини аниқлаб, эслатиб туришини ҳам биримиз, айниқса, ёш авлод доимо ёдда тутуши лозим.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, ЎЗА шарҳловчиси.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН МАКТАБЛАРИ

мустақиллик йилларида юксалиш ва тараққиёт йўлини босиб ўтди



Мен ҳаётимни мактабсиз, муаллимлик касбисиз, болаларсиз тасаввур қилолмайман. Ўқитувчилик умрим мазмунига айланган. Бугунги мактабларимизни дунёнинг энг ривожланган давлатларидаги мактаблардан кам жойи йўқ. Муаллим эса эл ва юрт ардоғидаги инсон. Унга ҳамма ҳавас билан қарайди.

Мустақил юртимиз фарзандлари барча фанлар бўйича билимдон. Уларни халқаро фан олимпиадаларидаги ютуқлари, спорт соҳасидаги галабалари ҳар қандай инсонда фахр-ифтихор уйғотади.

Ўзбекистонда таълим соҳасидаги ислохотлар қандай натижалар берганини ким кўрмоқчи бўлса Қорақалпоғистонга келсин. Қорақалпоғистон мактабларини кўрсин.

Президентимизнинг фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт, деган сўзлари ижобатини ўз кўзлари билан кўради.

Гурчеҳра ЕРНИЯЗОВА, Кегейли туманидаги 22-мактаб директори, халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси.

4

Сайлов — манфаатлар мувозанати

Сайловолди кампаниясининг энг муҳим босқичи — бу сайловолди ташвиқоти ҳисобланади. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 27-моддасига мувофиқ, сайловолди ташвиқоти депутатликка номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади.

Сайловолди ташвиқоти

қандай олиб борилишини биласизми?

Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиялар томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига кўрсатилган номзодларни рўйхатга олди. Демак, энди сиёсий партиялар, депутатликка номзодлар сайловолди ташвиқотига киришади.

2

АМНИСТИЯ

инсонпарварликнинг амалдаги ифодаси

3

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтыда ўқинг

Жамиятнинг етакчи кучи

ундан оқилона фойдаланиш партиямиз мақсадларини рўйбега чиқаришга хизмат қилади



www.uzbekistonovozi.uz

Нуршод РАМАЗОНОВ, Тошкент давлат аграр университети талабаси, ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоли:

— Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид позицияси, партия ташкилотлари ҳамда депутатлари амалга ошираётган ташаббуслар айнан «Ўзбекистон овози» газетасида ёритиб борилади. Улар билан мунтазам танишиб бориш эса биз — ёш фаоллар учун жуда муҳим. Шу сабабли сизга ҳам 2015 йил учун «Ўзбекистон овози»га обуна бўлиш ва уни ўқиб боришни тавсия этаман.

«ЎЗБЕКISTON OVOZI»ГА ОБУНА БЎЛИНГ!

Обуна индекси — 220



2015 йилга мўлжалланган солиқ сиёсати ва Давлат бюджетининг асосий йўналишлари бўйича Олий Мажлис Сенати аъзоларининг фикр-мулоҳазалари билан газетамизнинг келгуси сонларидан бирида танишасиз.



САЙЛОВ — МАНФААТЛАР МУВОЗАНАТИ

Сайловолди ташвиқоти қандай олиб борилишини биласизми?

Қонунчилигимизда сайловолди ташвиқоти олиб бориш тартиби, турлари, оммавий ахборот воситалари орқали тарғибот қилиш қоидалари аниқ нормалар билан мустаҳкамлаб қўйилган. Тошкент давлат юридик университети доценти вазифасини бажарувчи Хушвақт ХАЙИТОВга шу масалада муурожаат қилдик.

— Сайловолди ташвиқоти-нинг ҳуқуқий асослари, уни олиб бориш турлари, шакллари ҳақида гапириб берсангиз.

— Сайловолди ташвиқоти сайлов жараёни қатнашчилари учун муҳим амалий аҳамиятга эга бўлиб, депутатликка номзодлар ва сиёсий партиялар учун ўзига хос синов ҳисобланади. Сайловолди ташвиқотининг муваффақиятли ўтиши сиёсий партиянинг тарафдорлари кўпайишига, унинг жамиятдаги мавқеи орттишига хизмат қилади.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида 2012 йил 19-декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонунга мувофиқ сайлов эркинлиги ҳуқуқи принципини тўлиқ жорий этиш ва сайлов тизимининг янада демократлашувиغا хизмат қиладиган нормалар амалиётга татбиқ этилди. Хусусан, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 27-моддаси янги таҳрирда баён этилди.

Унда сайловолди ташвиқоти тушунчасига қуйидаги таъриф берилган. Яъни, сайловолди ташвиқоти — сайлов кампанияси даврида амалга оширилмаган ва сайловчиларни депутатликка номзодни ёки сиёсий партияни ёқлаб овоз беришга ундашга қаратилган фаолиятдир.

Янги меъёрга кўра, сайлов куну ва овоз бериш бошланишига бир кун қолганида сайловолди ташвиқотига йўл қўйилмайди. Бу эса сайловчиларга ўз қарашларини, сиёсий хайрихоҳларини аниқлаб олиш, уларнинг кимга ва қандай сиёсий дастур учун овоз бериш масаласида онгли равишда аниқ бир қарорга келиши учун

◀ Давоми. Бошланғичи 1-бетда.

қўшимча вақт берилишига имкон яратлади. Мазкур норма бир қатор ривожланган давлатлар қонунчилигида ҳам белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, қонунда сайловолди ташвиқотини сайловчиларга бепул ёки имтиёзли шартларда товарлар бериш, хизматлар кўрсатиш (ахборот хизматларидан ташқари), шунингдек, пул маблағлари тўлаш билан қўшиб олиб бориш тақиқланган.

Сайловолди ташвиқоти қуйидаги тарзда олиб борилади. Яъни, сиёсий партиянинг дастури ва сайловолди платформаси тўғрисидаги ахборотни ўзининг депутатликка номзодларини ёқлаб овоз беришга даъват этган ҳолда тарқатиш, шунингдек, депутатликка номзод тўғрисидаги ахборотни уни ёқлаб овоз беришга даъват этган ҳолда тарқатишга рухсат этилади. Сайловолди ташвиқоти омма олдига мунозаралар, баҳслар, матбуот конференциялари, интервьюлар, сўзга чиқишлар, сайловчиларнинг йиғилишлари, депутатликка номзод, сиёсий партия тўғрисидаги роликларни жойлаштириш шаклида олиб борилиши мумкин.

Сайловолди ташвиқоти оммавий ахборот воситалари, шунингдек, телевидение, интернет, босма, кўргазмалар, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материаллари (плакатлар, варақалар ва бошқа материалларни) чиқариш ҳамда тарқатиш, сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали амалга оширилади.

Депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар сайловолди ташвиқотини олиб боришнинг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турлари, шакллари ва усулларида ҳам фойдаланиши мумкин.

— Сайловолди ташвиқоти оммавий ахборот воситалари орқали олиб бориш тартиби қандай? Шунингдек, босма, кўргазмалар, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларини чиқариш ҳамда тарқатиш орқали сайловолди ташвиқотини юритиш мезонлари

ҳақида тўхталсангиз.

— «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 25-моддасига биноан, сайловолди ташвиқоти депутатликка номзодлар тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан бошланади. Қонунчилигимизда депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилган.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 27-моддасига мувофиқ, сайловолди ташвиқоти олиб борилаётганда давлат оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга ҳаммига кўра бир хил бўлган эфир вақти ва нашр майдонини бепул бериш йўли билан тенг шароитлар таъминланади.

Депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга давлат оммавий ахборот воситаларида ҳақ эвазига ҳам эфир вақти ёки нашр майдонини ажратилиши мумкин. Депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга нодавлат оммавий ахборот воситаларида қонун ҳужжатларига мувофиқ эфир вақти ёки нашр майдонини ажратилиши ҳам назарда тутилган.

Сайлов кампаниясида иштирок этувчи оммавий ахборот воситалари томонидан эфир вақти, нашр майдони учун белгиланадиган ҳақ тўлаш шартлари ҳамда тарқатиш, сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали амалга оширилади.

Оммавий ахборот воситаларида тарқатилмаган ахборот ҳақиқатга мос бўлиши, депутатликка номзодлар, сиёсий партияларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузмаслиги керак. Ҳақиқатга тўғри келмайдиган, шунингдек, депутатликка номзодларнинг шаъни ва қадр-қимматига путур етказадиган маълумотларни тарқатиш тақиқланади.

Сайловолди ташвиқоти мақсадида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартиби, ҳажми ва вақти сиёсий партиялар билан келишилган ҳолда Марказий сайлов комиссияси то-

Сайловолди ташвиқоти оммавий ахборот воситалари, шунингдек, телевидение, интернет, босма, кўргазмалар, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларини (плакатлар, варақалар ва бошқа материалларни) чиқариш ҳамда тарқатиш, сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали амалга оширилади.

монидан белгиланади.

Шунингдек, қонунчиликда сиёсий партияларга босма, кўргазмалар, аудиовизуал материалларни, фонограммаларни, босма маҳсулотнинг электрон шакллари ва бошқа ташвиқот материалларини монеликсиз чиқариш ҳамда тарқатиш учун тенг шароитлар яратиш берилган. Таъкидлаш лозимки, ташвиқот материаллари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тайёрланиши керак.

— Сайловолди ташвиқотининг энг самарали ва таъсирчан усулларида бири — сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали сайловолди ташвиқоти олиб бориш ҳисобланади. Шу ҳақида гапириб берсангиз.

— Амалдаги қонунчилигимизда сайловчилар йиғилишлари сиёсий партиялар томонидан мустақил равишда ўтказилиши белгиланган. Сайловчиларнинг йиғилишлари ўтказиладиган жой ва вақт, қоида тариқасида, участка сайлов комиссиялари билан келишиб олинади. Маҳаллий ҳокимият органлари ва жамоат бирлашмалари, шунингдек, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари депутатликка номзодларга йиғилишлар ўтказиш учун жиҳозланган хоналар ажратилиши, уларга сайловчилар билан учрашувлар ўтказиши ташкил этишда, зарур маълумот ва ахборот материалларини олишда ёрдам кўрсатиши шарт. Йиғилишлар ва учрашувларнинг ўтказиладиган жойи ҳамда вақти ҳақида

сайловчиларга олдиндан хабар қилинади.

Сайловолди ташвиқоти жараёнида ҳар бир сиёсий партиянинг ўз қиёфасига, жамиятнинг ўзи суянадиган қатламлари манфаатларини ифода қилувчи аниқ дастурлари билан сайловчилар олдига чиқиши зарур.

— Сайловолди ташвиқоти олиб боришда ривожланган демократик давлатлар тажрибаси ҳақида тўхталсангиз.

— Сайловолди ташвиқоти олиб бориш тартиби ҳар бир давлатнинг ҳуқуқий тизими, тарихий тарққиёти ва бошқа ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган. Бироқ, ақсарият давлатларда бу борада ўхшаш қоидалар мавжуд. Мисол учун, Литва, Молдова, Арманистон каби бир қатор давлатларда сайловолди ташвиқоти номзодлар рўйхатга олинган вақтдан бошланади. АҚШ, Италия, Франция каби давлатларда сайлов куну ташвиқот олиб боришга йўл қўйилмайди.

Шунингдек, Францияда овоз бериш кунига 7, Венгрияда 8 кун қолганида жамоатчилик фикри сўровлари, сайлов натижалари прогнозлари ва ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотлар нашр этилишига йўл қўйилмайди.

Айрим мамлакатлар, хусусан, АҚШ ва Поляда сайловолди ташвиқоти олиб бориш учун давлат томонидан маблағ ажратилиши кўзда тутилмаган. Греция, Исроил ва Францияда эса оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда эфир вақти сиёсий партияларнинг парламентда тугган ўрни ва ижтимоий фаоллигига қараб ажратилади.

Сайловолди ташвиқоти даврида сиёсий партиялар, депутатликка номзодлар қонунларда белгиламанган талабларга қатъий риоя қилиш, бошқа сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган номзодлар билан ҳалол рақобатга киришиши муҳим аҳамиятга эга. Ҳаққоний кураш сиёсий партияларнинг халқ, жамият ўртасидаги обрўсини янада оширишга тарафдорлари кўпайишига хизмат қилади.

«Ўзбекистон овози» мухбири Нурали ОРМПОВ сўхбатлашди.

ЎзХДП «ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ

Партиядошимиз Навоий номидаги Давлат стипендияси соҳиби бўлди

Ўзбекистон Халқ демократик партияси тизимида ёшларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқий билимларини юксалтириш, иш билан таъминлаш масаласи устувор йўналиш сифатида белгиланган. Шу боис партияимз сафларида ўз фикрига эга, билимли, истеъдодли ёшлар сафи тобора ортиб бормоқда.



Ана шундай ёшлардан бири Наманган муҳандислик педагогика институти талабаси, ЎзХДП Наманган вилоят кенгаши қошидаги «Ёш сиёсатчилар» клуби координатори Максуджон Олимов Навоий номидаги Давлат стипендияси соҳиби бўлди.

— Мен НамДУ қошидаги 2-академик лицейда таҳсил олаётган пайтмиданок мамлакатимиздаги сиёсий партиялар фаолиятини қизиқиш билан кузатиб борардим.

Институтга иқтисодиёт йўналиши бўйича ўқишга кирганимдан сўнг сиёсий партиялар билан янада яқинлашиш имкони туғилди. ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти Наманган вилоят бўлими томонидан сенаторлар, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари иштирокида ташкил этилган учрашувларда қатнашиб, мен ўз сиёсий эътиқодимни ЎзХДП билан боғлашга қарор қилдим.

«Истиқбол» ёшлар қаноти Наманган вилоят бўлими етакчиси Муътабар Қозиева мени партиязнинг кўнраб тadbирларига таклиф этиб, турли қизиқарли лойиҳаларда қатнашишга ундади. Унинг амалий ибрат ва тавсияси билан «Ёш сиёсатчи-2014» кўрик танловда иштирок этдим.

Хозирда «Ёш сиёсатчилар» клуби атрофида 40 нафардан ортик йигит-қиз бирлашган. Клубнинг «Бўлажак депутат», «Менинг биринчи сайловим», «Мен кузатувчиман», «Мен Ватаним таракқиётига ҳисса қўишини хоҳлайман» каби лойиҳалари асосида ўтказилаётган тadbирлар, семинар-тренинг ва давра суҳбатлари тенгдошларимизда етакчилиги қобилиятини шакллантириш, касбий ва сиёсий бошқарув салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда.

«Истиқбол» ёшлар қаноти фаолиятини қатнашиш билим ва кўникмаларини янада мустаҳкамлашда кўл келди. Олий ўқув юрти талабалари ўртасида ўтказиб келинаётган аънавий республика фан олимпиадасида иштирок этиб, биринчи ўринни кўлга киритдим. Яқинда эса Навоий номидаги Давлат стипендиясига сазовор бўлдим.

«Ўзбекистон овози» мухбири Носиржон ДЕҲҚОНОВ ёзиб олди.

Сайловларда муносиб иштирок этиш фуқаролик бурчимиздир

Тошкент давлат техника университетига ўтказилган «Сайловларда фаол иштирок этиш — менинг фуқаролик бурчим» мавзусидаги давра суҳбатига партия фаоллари, сайловда биринчи марта қатнашадиган талаба-ёшлар иштирок этди. Унда сўзга чиққанлар сайлов қонунчилиги, ундаги янгиликлар ҳақида ёшларга атрофлича маълумот беришди.

— Илк бор сайловда иштирок этаётган ёшлар сони бу йил қарийб уч миллионни ташкил этмоқда, — деди ЎзХДП Марказий Кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти маркази раҳбари Шохрўх Абдурахмонов. — Шундан келиб чиқиб, сайлов арафасида «Истиқбол» ёшлар қаноти томонидан ўтказилаётган «Бўлажак депутат», «Менинг биринчи сайловим» каби тadbирлар ўтказилмоқда. Бу лойиҳалар сайловларда ёшларнинг бевосита фаол иштирок этишини таъминлашга қаратилган.

— Бу йил сайловда илк бор қатнашаётган ёшларга амалий тушунчалар зарур, деб ўйлайман, — деди Тошкент давлат техника университетига талабаси Моҳир Пardaева. — Сайловолди жараёнида сиёсий партиялар ва депутатлар мана шундай учрашувлар ўтказишлари мақсадга мувофиқ. Бу эса сайловларнинг юқори савияда ўтишига хизмат қилади. Шунингдек, бу каби лойиҳалар сайловларда ёшларнинг бевосита фаол иштирок этишини таъминлашга қаратилган.

«Ўзбекистон овози» мухбири Лазиза ШЕРОВА ёзиб олди.

Феруза ТўРАЕВА

САЙЛОВ ҲАҚИДА САВОЛИНГИЗ БОРМИ?

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда участка ва округ сайлов комиссиялари қатор ҳуқуқ ҳамда ваколатларга эга

«Менга участка сайлов комиссиясининг ваколатлари ҳақида тўлиқроқ маълумот берсангиз».

Моҳинисо ФАРМОНОВА, Бухоро вилояти, Бухоро тумани.



Саволга Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, ЎзХДП фракцияси аъзоси Анвар Бойқулов жавоб беради:

сайлов варақаси солинган ёпиқ ҳолдаги коньвертларни қабул қилиш ҳам айнан участка сайлов комиссиясининг ваколатига киради.

Бундан ташқари, бу комиссия аҳолини сайлов куну ва овоз бериш жойи тўғрисида хабардор этиб, овоз бериш биноси, сайлов кутилари ҳамда бошқа сайлов ашёлари тайёрлаб қўйилишини таъминлайди, сайлов куну сайлов участкасида овоз беришнинг ташкил этади. Сайлов участкасида берилган овозларни ҳисоблаб чиқиш, сайловга тайёргарлик кўриш, овоз беришни ташкил этиш масалалари юзасидан тушган ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш ҳамда улар юзасидан қарорлар қабул қилиш ҳам участка сайлов комиссияси ваколатига кириши қонунчиликда ўз аксини топган.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида»ги Қонунда яна бир муҳим меъёр белгиланган. Унга кўра, мамлакатимизнинг ҳорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурда ташкил этиладиган участка сайлов комиссияси раиси вазифасини идора раҳбари амалга оширади.

— «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонунга асосан, округ сайлов комиссияси тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси томонидан сайловга камиде етмиш кун қолганида комиссиянинг раиси, раис ўринбосари, котиби ва олти — саккиз нафар бошқа аъзосидан иборат таркибда тузилади. У қатор ваколатларга эга. Хусусан, сайлов округи ҳудудида ушбу қонун ижросини назорат қилади. Шунингдек, сайлов участкаларининг манзилини округ сайловчилари эътиборига етказиб, депутатликка номзодларнинг сайлов кампаниясида иштирок этишлари учун тенг шароитларни таъминлайди, тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган депутатликка номзодларга гувоҳномалар беради.

Биламизки, депутатликка номзод сайлов кампанияси даврида сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боради. Округ сайлов комиссиялари номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини ташкил этишга кўмаклашади. Бундан ташқари, мазкур комиссия депутатликка номзодларнинг ишончли вакилларини рўйхатга олиб, уларга тегишли гувоҳномалар беради.

Сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари вакилларининг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахборотларини эшитиш ҳам округ сайлов комиссияси вазифасига киради.

«Округ сайлов комиссиясининг вазифалари нималардан иборат?»

Наима ОРЗИЕВА, Наманган вилояти, Чуст тумани.



Саволга юридик фанлари доктори, профессор, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Сотиболди Бобоқулов жавоб беради:

Шунингдек, юқоридагилардан ташқари, округ сайлов комиссиялари сайловчиларнинг рўйхатлари тузилиши ва ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим этилишини кузатиш боради, сайлов округи бўйича сайлов бюллетени матнини тасдиқлайди ва участка сайлов комиссияларини сайлов бюллетенлари билан таъминлайди.

Сайлов ўтганидан кейин ҳам мазкур комиссия олдига қатор вазифалар туради. Масалан, комиссия сайлов округи бўйича сайлов натижаларини аниқлаб, тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиясига тақдим этади, такрорий сайлов, шунингдек, бўшаб қолган ўринга сайлов ўтказишни ташкил этади. Участка сайлов комиссияларининг қарорлари ва хатти-ҳаракатлари устидан ариза ҳамда шикоят тушура, уларни кўриб чиқиди ва шу юзасидан қарорлар қабул қилади.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари Марказий сайлов комиссия-

си томонидан сайловга камиде етмиш кун қолганида комиссиянинг раиси, раис ўринбосари, котиби ва камиде олти нафар бошқа аъзосидан иборат таркибда тузилади. Бундан округ сайлов комиссиялари ваколатларининг айрим жиҳатлари халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларидан фарқ қилади.

Масалан, маблағларни участка сайлов комиссиялари ўртасида тақсимлаш, участка сайлов комиссияларининг биналар, транспорт, алоқа воситалари билан таъминлашини назорат қилиш ва сайлов округида сайловнинг моддий-техника жиҳатдан таъминлашининг бошқа масалаларини кўриб чиқиш округ сайлов комиссияси ваколатига киради. Шунингдек, сайлов округи бўйича Марказий сайлов комиссияси тасдиқлаган намунага мувофиқ, сайлов бюллетени матнини тасдиқлайди, бюллетенлар тайёрлашни ва участка сайлов комиссиялари улар билан таъминлашини ташкил этади, сайлов округи бўйича сайлов натижаларини аниқлаш ва Марказий сайлов комиссиясига тақдим этиш ҳам округ сайлов комиссияларининг вазифалари этиб белгиланган.

«Ўзбекистон овози» мухбири Лазиза ШЕРОВА ёзиб олди.

ШАРҲ

АМНИСТИЯ ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ АМАЛДАГИ ИФОДАСИ

Ҳар бир миллат ўзининг урф-одатлари, миллий анъаналари, қадриятлари билан бошқалардан ажралиб туради. Миллатга таъриф берилаётганда унинг ана шу ўзига хос жиҳатлари эътироф этилади.

Ўзбек халқининг энг муҳим, қон-қонига сингиб кетган қадриятларидан бири бағрикенглиги, раҳм-шафқатлилиги, кечиримлилиги экани ҳаммага аён. Жазо беришга шошилмаслик, гуноҳидан ўтиш, авф этиш халқимизнинг азалий қадриятларидан ҳисобланади.

Бироқ яқин ўтмишда, мустақил даврда бу қадриятлар оёқости қилинди, инсон ҳақ-ҳуқуқи билан ҳисоблашилмади, шафқатсиз жазолашлар авжига чиқди. Мамлакатимиз мустақил бўлган, ўзгичлигимизга қайта бошладик. Инсонни инсон ўрнида кўриш, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати олий қадрият ҳисобланди. Бу тамойиллар мустақил давлатимизнинг Конституциясида қафолатланди. Инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш бош мақсад этиб белгиланди. Мустақиллик йилларида, қайси соҳада бўлмасин, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий-сиёсий ёки маънавий-маърифий соҳами, бундан қатъи назар, амалга оширилаётган ислохотлар моҳияти таҳлил этилиб, ҳулоса чиқариладиган бўлса, уларнинг барчаси замирида ягона мақсад — инсонни қадрлаш, улуғлаш ётганини кўрамиз. Конституциямиз қабул қилинган кун арафасида эълон қилиниб келинаётган амнистия ҳам инсон манфаати ҳимояси йўлида қилинган хайрли иш, эзгу иш, Бош Қомиссияда белгиланган инсон-

парварлик тамойилининг амалдаги ифодасидир. Аввало шунга айтиш керакки, амнистия эълон қилиниши нафақат озодликдан маҳрум этилган шахслар, балки уларнинг оила аъзолари, минг-минглаб яқинлари интиқлик билан кутади. Айниқса, фарзандлари тақдирдан қай-гураётган, бағри қон бўлган ота-оналар учун амнистиянинг баҳоси қандайлигини изоҳлаш қийин. Ота ёки онаси меҳридан жудо бўлиб яшаётган болалар учун, уларнинг келажаги учун амнистия қандай аҳамиятга эга эканлигини бир тасаввур қилиб кўрайлик. Бола тарбиясида ҳеч ким ота-она ўрнини боса олмаслигини тан олиб айтиладиган бўлса, амнистия жамиятнинг маънавий, ижтимоий, иқтисодий ҳаётида ўта муҳим аҳамиятга эга қарордир. Шунинг учун ҳам қабул қилинган ҳар бир амнистия актини нафақат озодликдан маҳрум этилганлар ва уларнинг яқинлари, балки кенг жамоатчилик хурсандчилиги билан кутиб олади. Қуни кеча Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг

22 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдирномасига мувофиқ Олий Мажлис Сенатининг амнистия тўғрисида қабул қилган қарори ҳам кўплаб оилаларга қувонч бағишлади, барча-барчани мамнун этди. Амнистия тўғрисидаги қарорга эътибор билан қаралса, унинг ҳар бир банди чуқур ўйлаб қабул қилингани аён бўлади. Қарорнинг биринчи бандида аввало аёллар, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган ёшлар жазодан озод қилиниши белгиланган. Бу бежиз эмас, албатта. Бизда аёл зоти ҳар доим ҳимоя этилган, асраб-авайланган, эъзозланган. Аёлни оиласидан, фарзандларидан ажратишнинг ўзи кўнглига ноҳушлик солади, юракни оғрилади. Қолаверса, бундай ҳолатлар оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаганларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўсмир бола ҳали мустақил фикрга эга бўлолмади, қилаётган ҳаракати га жавобгарлиги тўла ҳис этмайди, англамайди. Қонунни яхши билмаслик ёки ўз ҳаракати жиноят эканини, унга жазо муқаррарлигини тушунмаслик оқибатида жиноят содир этганлар оз эмас. Лекин қонунни билмаслик жазодан озод этмайди. Бу ўринда айнан инсонпарварлик тамойилидан келиб чиқиб, ўн гулидан бир гули очилган, 18 ёшга тўлмаганларнинг ҳаёти олинди экани ҳисобга олинди, улар кечирилмоқда, ҳаттодан ҳулоса чиқариб, тўғри йўлга ўтиш учун уларга имконият берилмоқда, ишонч билдирилмоқда. Қарорга мувофиқ, шунингдек, 60 ёшдан ошган эркаклар ва чет давлатлар

фуқаролари ҳам маҳкумликдан озод этилмоқда. Ёши бир жойга бориб қолган пайтда қамоқда ётган инсоннинг руҳий ва жисмоний ҳолатини ҳис этиш қийин эмас. Унинг соғлиги ва ҳаёти хавфсизлиги, оиласи бағрига қайтишининг аҳамияти ҳисобга олинмоқда. Инсонпарварлик тамойилига амал қилиниб, 1- ва 2-гuruh ногиронлари, Амнистия тўғрисидаги ушбу қарор кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўсқинлик қиладиган оғир касалликларга чалинган, деб топилганларга ҳам мурувват кўрсатилмоқда. Маҳкумлар орасида эҳтиётсизлик сабабли жиноят содир этганлар, шунингдек, қасддан ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этгани учун биринчи марта ҳукм қилинган шахслар жазодан озод этилмоқда. Қарорнинг 3-бандида озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати икки йил-олти ойдан кўп бўлмаган, ҳукми ушбу Қарор эълон қилинган кунга қадар қонуний кучга кирган маҳкумлар ҳам жазодан озод этилмоқда. Бироқ бу банд жавобгарлики оғирлаштирилган ҳолатларда қасддан одам ўлдирish жиноятини содир этганларга нисбатан қўлланилмаслиги белгилаб қўйилди. Қарорнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, таъқилланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар тартибда тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм эти-

Адашганларга, тўғри йўлга қайтмоқчи бўлганларга давлатимиз томонидан катта мурувват кўрсатилиб, уларга имкон берилмоқда. Бундан чуқур ҳулоса чиқариб олмоқ керак бўлади.

либ, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар жазодан озод қилинмоқда. Бу ўринда «биринчи марта» ва «тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар» сўзларига алоҳида эътибор қаратмоқ лозим. Тинчлик ва хавфсизликка қарши содир этиладиган жиноятлар аслида оғир жиноятлар саналади. Аммо бунда бузғунчи ҳаракатга биринчи марта аралашиб қолган, қилмишидан чин дилдан пушаймон бўлиб, тузалиш йўлига ўтганлар кечирилмоқда. Шунга ҳам айтиш керакки, ушбу қарорнинг 1- ва 2-бандларида қайд этилган жиноят ишлари тугатилмоқда. Бу қарор кўплаб одамларни судланганлик таъминидан асраб қолади. Ҳаётда ҳар хил ҳатолар бўлади. Бирини кечириб мумкин, бошқасини кечириб бўлмайди. Жиноятлар тури, даражаси ҳам ҳар хил. Ҳеч қачон кечириб бўлмайдиган жиноятлар ҳам бор. Маса-

дан, ушбу амнистия акти ўта оғир ва хавфли жиноятларни содир этиб, узоқ муддатга ёки умрбод озодликдан маҳрум этилганларга, ўта хавфли рецидивист деб топилганларга, жиний уюшма таркибида жиноят содир этган, жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузётган, муқаддам авф этиш ёки амнистия қўлланиб, жиний жавобгарлик ёки жазодан озод қилинган ва яна қасддан жиноят содир этган шахсларга, шунингдек, ўлим жазоси авф этиш тартибда озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган шахсларга нисбатан қўлланилмайди. Қарорнинг ҳар бир банди диққат билан ўқилиб, фикр юритилдиган бўлса, инсон тақдирини тўғрисида ҳаққий қайғуриладигани, билиб-билмай жиноятга қўл урган, қилмишидан чин дилдан пушаймон бўлганларни имкон қадар кечириб ҳаракат қилинаётгани билинади. Демак, адашганларга, тўғри йўлга қайтмоқчи бўлганларга давлатимиз томонидан катта мурувват кўрсатилиб, уларга имкон берилмоқда. Бундан чуқур ҳулоса чиқариб олмоқ керак бўлади. Ушбу Қарор матбуотда эълон қилинган кундан кучга кирди. Қарорнинг қўлланилишида бевосита иштирок этиш ҳамда бу жараён очик-ошона амалга оширилиши устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш сенаторлар ва депутатлар корпусининг вазифалари этиб кўрсатилди. Бу унинг ўз вақтида ва адолатли қўлланилишини таъминлайди.

Сафар ОСТОНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.



Ўсимта

Ўсишдан тўхтатилади

Британиянинг Бристол ва Ноттингем университетлари олимлари профессор Себастьян Олтин етакчилигида тиббиёт соҳасида янги муваффақиятга эришди. Яъни, саратон хасталигини келтириб чиқарувчи ўсимларни тиббий йўл билан ўсишдан тўхтатиш йўли кашф қилинди.

Гап шундаки, дейилади «Daily Telegraph» нашрида чоп этилган ахборотда, олимлар ўсимларнинг шаклланиши ва ривожланишида муҳим роль ўйнайдиган, шу билан бирга уни қон ва озиқ моддалар билан таъминловчи янги қон томир пайдо бўлишига замин яратувчи молекулани аниқладилар.

Маълумки, ўсимта доим ўсишга эҳтиёж сезади. У ўсиши учун эса қон ва озиқ моддалар керак бўлади. Унинг тўсиб қўйилиши эса ўсимларнинг ўсишини ва хасталик кенг тарқалишининг олдини олади.



Янги тажриба кемирувчи жониворларда синаб қўрилди. Бир ҳафтада уч марта укол қилиш йўли билан проста саратоннинг ривожланиши тўхтатилди. Инъекция «SRPK1» молекуласига ўз таъсирини ўтказганлиги келажақда саратон хасталиги ҳам даволаб бўладиган хасталиклар турига киришига олимлар ишонилмоқда.

Ҳозир «Евонате» биотехнология компанияси ўсма касалликларига қарши янги дориини оммавий ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш устида олимлар билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

70 ёшлилар касаллиги

35 ёшда учрамоқда

Кейинги пайтларда касалликлар ёшариб бораётгани ҳақида гап-сўзлар ўз тасдиғини топмоқда. Буни америкалик офталмологларнинг таҳлил ва кузатувлари тасдиқлади.



Уларнинг айтишларича, дейилади «Мир новостей» ҳафталиги ахборотида, кўз пардаси ва кўз гавҳарининг хира тортиши билан боғлиқ касалликлар ёшариб бормоқда. Яъни, авваллари бундай хасталикларга қишлар 70 ёшдан кейин чалинарди, бугунги кунда эса 35 ёшдаёқ бундай касаллик билан оғриш ҳолатлари кўп қузатилмоқда.

Бунга асосий сабаб ҳаётимизга кириб келган диапазонни 415 дан 445 нанометр ўлчамда бўлган ёрқин мовий спектр нурлари, яъни электрон коммуникация технологияларидир. Айнан шу электрон коммуникация технологиялари бўлиш телевизор, компьютер, планшетлар мовий нур таратади. Бу нурлар эса организмда уйку гормони — мелатонин ишлаб чиқариш тартибини шикастлайди ва инсоннинг табиий биоритмининг бузади.

Мелатонин кучли антиоксидант бўлиб, саратон ва бошқа хасталиклар ривожланишига яхшигина тўсиқ бўла олади. Унинг етишмаслиги эса онкологик хасталиклар юзасига келишига замин яратди.

Бундан ташқари, мовий нурлар кўз пардаси босимини оширади ва у албатта, кўз касалликларини келтириб чиқаради.

Америкалик олимлар кўзни мовий нурлар спектридан ҳимояловчи махсус кўзойнак яратганлар. Бугунги кунда астронавтлар Халқаро космик станцияда бу кўзойнақлардан фойдаланмоқда. Эндилликда олимлар бундай кўзойнақларни оммавий ишлаб чиқариш ҳақида ўйланмоқда.

Электрон маиший технология ишлаб чиқарувчилар эса технологияларни хавфсиз эканлиги ҳақида бонг уришдан чарчамаяпти.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририяти жамоаси «Оила даврасида» газетаси бош муҳаррири Хусниддин Бердиевга отаси **Зайниддин БЕРДИЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик билдиради.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида Ўзбекистон Республикасининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги қонуни ижросига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Очиқлик ва ошқоралик тамойиллари амалда

Тадбирда пойтахтимизнинг Яшнобод тумани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва саломатлигини сақлаш, бандлигини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, қиш мавсумига тайёргарлик кўриш ва ҳудудларнинг ободонлаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз юритилди.

Яшнобод тумани ҳокими Ф.Ҳақимов ва бошқалар Президентимиз раҳнаомлигида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар аҳоли фаровонлигини юксалтиришда муҳим омили бўлаётганини таъкидлади. Амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарасида янги корхоналар ва ижтимоий аҳамиятга молик объектлар ташкил этилмоқда. Бу эса аҳоли бандлигини таъминлашга ёрдам бермоқда.

Яшнобод туманида ҳам ушбу йўналишда изчил ишлар амалга оширилаётган. Чунончи, жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида 7500 дан зиёд иш ўрни ташкил этилиб, 29 миллиард сўмлик инвестиция ўзлаштирилди.

Тадбирда баркамол авлодни тарбиялаш, уларнинг таълим олиши ва бўш вақтини мазмунли ўтказишни ташкил этиш масалалари доимий эътиборда экани таъкидланди. Айни пайтда туманда олпита мусика ва санъат, учта болалар ва ўсимлар спорт мактаби, сузиш ҳавзалари, теннис кортлари, стадионлар ва бошқа кўплаб спорт иншоотлари ишлаб

турибди. Коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш устувор вазифалардан биридир. Шу кунга қадар 1,2 минг нафардан зиёд ўғил-қиз иш билан таъминланди. Туманда қиш мавсумига тайёргарлик тадбирлари якунланди. Бозорлар тўқинлигини таъминлаш мақсадида 2700 тоннадан зиёд қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ғамлаб қўйилди. Коммунал соҳада қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, кўп қаватли уйларнинг том ва кириш йўллари таъмирланди.

«Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ, туман ҳокимлиги ва аҳоли йўлга қўйилган. www.my.gov.uz ва www.e-kommunal.uz порталлари, шунингдек, туманнинг www.yashnobod.uz веб-сайти аҳоли ўртасида оммалашган. Ушбу порталлар аҳолидан келиб тушаётган шикоят ва мунозараларни ўз вақтида қабул қилиш ҳамда уларнинг ижросини таъминлаш, тадбиркорларни қизиктирган саволларга жавоб қайтариш имконини бермоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида аҳолидан келиб тушган мунозараларнинг асосий қисми ҳал этилган.

Матбуот анжуманида тумани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича амалга оширилган лойиҳаларнинг натижалари ва келгуси режалар ҳақида атрафлича маълумот берилди.

Муҳаммад ҚАРШИБОВ,
ЎЗА МУҲБИРИ.

Qishloq Qurilish Bank



Истиқболли лойиҳаларга — банк сармоялари

Мамлакатимизда инсон, унинг манфаати ва турмуш даражасини янада яхшилашга қаратилган ижтимоий-иқтисодий ислохотларда «Қишлоқ қурилиш банк» Қорақалпоғистон минтақавий филиали ҳам фаол иштирок этиб келмоқда.

Айтиш жоизки, банк филиалида 87 нафар маълум ходим мижозларга қўрсатиб келмоқда. Жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида молия муассасининг соф активлари 72 931,8 млн. сўмни ташкил этгани шундай саъй-ҳаракатлар натижасидир.

— Ҳукуматимиз томонидан хусусий сектор субъектларига яратилаётган имкониятлар ва берилмаётган имтиёзлар, жумладан, тижорат банкларининг молиявий кўмасининг биз каби ўз бизнеси билан шугулланиб, халқимизга хизмат қилишни истаган юрдошларимизга жуда қўл келмоқда, —

дейди «Ницца Нукус» МЧЖ раҳбари Амина Бекжанова. — «Ницца Нукус» масъулияти чекланган жамиятимиз меҳмонхона хизмати фаолияти билан шугулланиб келади. 2012 йилда АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Қорақалпоғистон минтақавий филиалидан 3 йил муддатга 600 млн. сўмлик имтиёзли кредит олдик. Сармояни реконструкция ишларига ҳамда мебель сотиб олишга сарфладик. Натижанда ўтган йил ўрталарида 20 ўринлик меҳмонхонамиз ўз фаолиятини бошлади. Ҳозир йилига ўртача 7500 кишига хизмат кўрсатишимиз мумкин. Шунингдек, 6 та янги иш ўрни ҳам яратдик.

Биз шахримиз меҳмонларини замон талабларига жавоб бера оладиган қўлай меҳмонхонада кутиб олаётганимиздан ҳамда бунда АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Қорақалпоғистон минтақавий филиалининг ҳам катта ҳиссаси борлигидан мамнумиз.

Президентимизнинг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011-2015 йилларда республика молия-банк

РЕКЛАМА ЎРНИДА

тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда, қатъий депозит сиёсати юритилгани туфайли мавжуд ресурс базаси мустаҳкамланди. Яъни, филиалдаги жами омонатлар жорий йил 1 октябрь ҳолатига кўра, 2 565,8 млн. сўмга, кредит портфели эса 64 802,9 млн. сўмга етди. Ўз навбатида узоқ муддатли кредитлар 62 899,7 млн. сўмни ташкил этди.

Маълумки, мамлакатимизда қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини яхшилаш, замонавий уй-жойларни, ижтимоий соҳа объектларини барпо қилиш ҳамда мамлакатимиз қишлоқлари киёфасини бутунлай янги босқичга кўтаришга қаратилган кенг қамровли қурилиш дастури амалга ошириб келинмоқда. Мазкур бунёдкорлик ишларида АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» ҳам фаол қатнашиб келмоқда. Жумладан, унинг молиявий кўмагида 2009-2014 йилларда минтақаданамунавий лойиҳалар асосида 810 та уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Муҳтасар айтганда, филиал томонидан истиқболли лойиҳаларга йўналтирилаётган сармоялар юртимиз равнақи ва аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Банк матбуот хизмати.

Ҳизматлар лицензияланган.

Қорақалпоғистон мактаблари

мустақиллик йилларида юксалиш ва тараққиёт йўлини босиб ўтди



Президентимиз Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан устоз муаллимларга йўллаган табригини ... мамлакатимиз миллий тараққиёт стратегиясининг ажралмас қисми бўлган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига ўз вақтида қабул қилиб, амалга оширганамиз янги ҳаёт, янги жамият қуришда энг кучли, энг қудратли омил бўлиб, нафақат таълим соҳасини, балки одамларимиз дунёқарашини, бутун ҳаётимизни тубдан ўзгартириб юборгани ҳақида бутун ҳар қанча гурурланиб, фахрланиб гапирсак, арзийди дея алоҳида таъкидлаган эди.

Қорақалпоғистонда 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури амалга ошириш тўғрисида Президентимиз қарориде белгилаб берилган устувор йўналишлар доирасида улкан ишлар амалга оширилди, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири Рашид Матқурбонов. — Мазкур дастурага кўра, энг аввало, мактабларни моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникалари ва ўқув адабиётлари, мутахассис педагог кадрлар билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу дастур доирасида Қорақалпоғистон Республикасида 36 мактаб янгидан қурилди, 252 мактаб капитал реконструкция қилинди, 216 мактаб капитал ва 148 мактаб жорий таъмирланди.

— дейди Ўзбекистон халқ ўқитувчиси, меҳнат фахрийси Ирисгул Уснатдинова. — Бугунги мактабларимиз биз ишлаган пайтдаги мактаблардан осмон билан ерча фарқ қилади. Бундай шароитларни биз фақат орзу қилганмиз. Қани энди қайтадан ёш бўлиб қолсам. Муҳташам мактабимизнинг кенг ва ёруғ хоналарида ўқувчиларга дарс берсам. Мени бугунги муаллимларга ҳавасим келади. Компьютерларни, янги мебелларни, лабораторияларни кўриб кўзим қунаб кетади. Президентимизга раҳмат, ҳеч қайси замонда ўқитувчи бундай кадрланмаган, эъозланмаган. Биз ўқитувчилар учун бундан ортиқ бахт борми?!

Мамлакатимизда муаллимлар меҳнатини рағбатлантириш масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратиб келинмоқда. Мустиқиллик йилларида Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири раҳбирилик қилган мактаблар, махсус мактаб интернатлар, Мехрибонлик уйлари, туман ва шаҳар халқ таълими тизими фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимида фаолият кўрсатаётган фидойи ўқитувчи ва мураббийлардан 217 нафари Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотларига сазовор бўлди.

— Мустиқиллик йилларида мактабларимиз том маънода билимлар саройига айланди, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, меҳнат фахрийси Атахан Ражабов. — Бундан ўзим ишлаган Эллиққалъа туманидаги 25-мактаб мисолида ҳам айта олам. Бундай кўркам бинолар, техникалар, кўргазмалар куруллар тушимизга ҳам кирмас эди. Мустиқиллик фарзандларини

айтмайсизми, инглиз тилида бемалол гаплашади, интернетдан фойдаланишни билади, дунёқарши кенг. Улар мустиқил Ватанимизни, Президентимизни жон дилдан севишади, қадрлашади...

Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисидаги Президентимиз қарори мамлакатимиз таълим муассасаларида хорижий тилларни ўқишда янги даврни бошлаб берди.

2013-2016 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси умумтаълим мактабларида бошланғич синф ўқувчилари учун 1229 чет тили синфи ўқув жихозлари ва компьютер техникалари билан таъминланиши белгиланган. Хусусан, 2013 йилда 167, жорий йилда 380 та ана шундай синф хоналари ташкил этилди. Шунингдек, республикадаги 15 мактаб инглиз тилини чуқур ўрганишга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби этиб қайта ташкил қилинди. Ҳозирги кунда 239 чет тили хонаси лингафон ускунаси билан жиҳозланган.

Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси умумтаълим мактабларида 1700 нафардан ортиқ чет тили фани ўқитувчиси фаолият кўрсатмоқда. Утган ўқув йили олдиндан барча чет тили фани ўқитувчилари малака ошириш курсларида ўз маҳоратларини оширишди. Бугунги кунда чет тили фани ўқитувчиларини хорижий мактабларда малакасини ошириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Нукус шаҳридаги 1-ихтисослаштирил-

масгулотлар ўтдик. Тажриба алмашдик. Ҳар кунги дарсларда бизга турли топшириқлар бериларди. Матрни ўқиш ва таҳлил қилиш, мавзуга оид саволларга жавоб топиш, ўқиш жараёнида учрайдиган турли муаммоларни ечиш... У ерда дарслар ҳар хил шаклларда, яъни маъруза тарзида, интерактив, гуруҳ ва жуфтликда иш-лаш каби услубларда олиб борилди. Ҳозирда ўрганганларимиз амалиётга татбиқ қилишга ҳаракат қилаяман.

2013-2014 ўқув йилида мамлакатимиз миқёсида ўтказилган «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловида Нукус шаҳридаги 6-мактабнинг немис тили ўқитувчиси Баҳадир Жақсимов фахри II ўринни эгаллади. Унинг иш тажрибаси оммалаштирилди. Утган ўқув йилида Хўжайли туманидаги 72-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси Гулмира Мамбетмуратованинг иш тажрибаси Ўзбекистон миқёсида татбиқ этилди.

Болалар спорти. Жондан азиз бўлган фарзандларимизни жисмоний ва маънавий жиҳатдан ривожлантиришга қаратилган бу тизимнинг йўлга қўйилиши ҳар томонлама тўғри бўлганини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди. Шаҳару қишлоқларимизда бунёд этилган замонавий спорт мажмуаларида болалар спорт билан мунтазам шуғулланиб, саломатлигини мустаҳкамламоқда. Соғлом, кучли, мард ва қатъиятли бўлиб камолга етмоқда. Фарзандларимизнинг ирода-си тобланмоқда, турмуш тар-

аҳамият қаратилиб, уларнинг спорт билан шуғулланиши учун барча шароитлар яратилган. 2014 йилнинг 8-11 май кунлари Таиландда ўтказилган эркин кураш бўйича Осиё биринчилигида 5 нафар қорақалпоғистонлик қиз 3-ўринни эгаллади. Шаҳодат Джоллибаева Хитойнинг Нанкин шаҳрида бўлиб ўтган II ўсмирлар Олимпия ўйинларида муваффақиятли иштирок этди.

— Олти ёшга кирганимда ота-онам мени спорт тўғрисидаги беришган, — дейди Шаҳодат Джоллибаева. — Бошида унчалик ўرғана олмадим. Бугун эса спорт менинг ҳаётимга, максимимга айланди. Атрофимдаги дўгонларим менга ҳавас билан қарайди. Шаҳримизда, маҳалламизда ота-онамни кўнчили ҳурмат қилади. Кўни-қўнчилар, қариндошлар онамдан боласини спортга бериш масаласида маслаҳат сўраб туришади. Нанкинда ўтказилган II ўсмирлар Олимпия ўйинларида иштирок этишим ҳаётимни бутунлай ўзгартириб юборди. Президентимиз айтган сўзларнинг тасдиғини ўша жойда кўрдим. Ҳа, Ўзбекистон фарзандлари ҳеч кимдан кам эмас, кам бўлмайди ҳам. Орузим катталар ўртасида Олимпия чемпиони бўлиш...

Қорақалпоғистонлик спортчи-қизлар эришаётган ютуқлар ҳақида яна узоқ гапирса бўлади. Беруний туманидаги 52-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Дина Тахиева спортнинг оғир атлетика тури бўйича 62 кг вазнда Ўзбекистон чемпиони. У Таиландда ўтказилган халқаро мусобақада кучли бешлик-



Бутун Ўзбекистон бўйлаб анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган М.Қори-Ёқубов номидаги республика танлови жорий йилда Нукус шаҳридаги 1-болалар мусика ва санъат мактабига ўтказилди. Унда 320 нафардан ортиқ ёш санъат устаси халқ чолғусининг йигирма етти йўналиши бўйича қатнашиб, ўзаро куч синишди ва голиблар аниқланди.

«Санъат гунаҳари» республика танловида Нукус шаҳридаги 1-, Хўжайли туманидаги 5-мусика ва санъат мактабларининг 4 нафар ўқувчиси голиб бўлди.

— Мактабимиздан етиштиб чиқаётган истеъдодли ўғил-қизлар кўплаб танловларда ўз маҳоратларини намойиш қилишмоқда, — дейди Нукус шаҳридаги 1-болалар мусика ва санъат мактаби ўқитувчиси Олмагул Халилаева. — Жумладан, муассасамиздаги «Аму гуллари» ансамбли Туркманистонда ўтказилган болалар фестивалида голиб бўлишди. Ўқувчиларимиз ўз олдига юксак марраларни қўйган. Демак, улар келажакда бундан намуналарни қўйган. Демак, улар келажакда бундан намуналарни қўйган.

Аҳолини ижтимоий муҳофазаси масаласи мамлакатимизда давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу борада Қорақалпоғистонда ҳам эътирофга сазовор ишлар қилинмоқда. 2014-2015 ўқув йилида умумтаълим мактабларининг 1-синфига 33 минг 680 нафар ўқувчи қабул қилиниб, уларга 1 миллиард 41 миллион 351 минг сўмлик Президент совғалари топширилди.

— Ўғлим Маман мактабга боришни сабрсизлик билан кутди, — дейди нукуслик Салтанат Реймова. — У 1-синф ўқувчиларига Президент совғаси берилишини акаларидан эшитган экан. Уша кун ҳам етиб келди. Маман мактабга борди. Унинг Президент совғасини олган пайтдаги қувончини сўз билан ифодалаб бўлмайди. У китобларини, ўқув куролларини кўз қорачиғидай асрайди. Ўғлим ўқиш-ёзишни ўрганиб олганидан сўнг Президентимизга хат ёзиб, раҳмат айтмоқчи.

2014-2015 ўқув йилида мактабларимиз оила фарзандларига 2 миллиард 145 мил-

лион сўмлик қишки иссиқ кийимлар тарқатилди. 987 нафар яқка тартибда уйда билим оладиган, имконияти чекланган болаларга 30 миллион 754 минг сўмлик ўқув куроллари берилди. Шунингдек, ижтимоий муҳофазатга муҳтож оила фарзандлари, махсус мактаб интернатлари, Мехрибонлик уйларида тарбияланаётган 46 минг 636 нафар бола бепул дарсликлар билан таъминланди.

Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикасида мактаб битирувчиларини касб-хунар коллежлари ва академик лицейларга тўлиқ қамраб олиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2013-2014 ўқув йилида Республикадаги умумтаълим мактабларини 27189 нафар ўғил-қиз тамомлади. Мутаассадди вазирликларнинг ҳамкорлигида олиб бораётган ишлари натижасида уларнинг барчаси ўзлари танлаган мутахассисликлар бўйича ўқини давом эттиришмоқда.

Соғлом бола йили муносабати билан Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири раҳбирилик қилган республика мактаб ўқувчилари ўртасида иншолар танлови ўтказилди. Унда Нукус шаҳридаги 27-мактаб ўқувчиси Нуржан Турегалиева 1-ўринни, 11-Республика ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби ўқувчиси Айнура Пирниязова 2-ўринни, Шуманай туманидаги 16-мактаб ўқувчиси Ариўхан Қойлибаева эса 3-ўринни эгаллашди.

Соғлом бола ҳақида ёзилган иншолардан бирида шундай жумлалар бор: **Соғлом бола муаллимнинг, яқинларининг айтганларини қилади. Мактабда яхши ўқийди. Баҳолари беш бўлади. Спорт билан шуғулланади. Чемпион бўлади. Дардан кейин мусика мактабига қатнайди. Соғлом бола кўп китоблар ўқийди. Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Ибройим Юсупов, Ўзбекистон халқ шоири Мухаммад Юсуф шеърларини ёд олади.**

Соғлом бола Ватанини, Президентини, ота-онани севади. Улар орзу қилгандай баркамол авлод бўлиб улғайди.

Фаррух ҲАМРОЕВ,
Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.



дан ўрин олди. Жорий йилнинг 5-12 май кунлари Таиландда ўтказилган эркин кураш бўйича Осиё чемпионатида Нукус шаҳридаги 17-мактаб ўқувчиси Ахтенге Қаулмжаева 3-ўринни эгаллади.

Болалар мусика ва санъат мактаблари келажакимиз эгаларини гузалликка, эзгуликка, маънавиятга бошлайди. Чунки спорт билан шуғулланган, санъат оламига қадам қўйган бола қалбига фақат инсоний тушунчалар, маданият, ҳурмат, муҳаббат туйғулари куртак ёзади, гулга қиради. Бугун мамлакатимизда қад рўстлаган санъат саройлари, санъат қўшоналарида таълим-тарбия олаётган фарзандларимиз орасидан ўнлаб, юзлаб, минглаб халқаро танловлар голиблари етишиб чиқишига ишонимиз.

Қорақалпоғистонда Давлат дастурига асосан 6 болалар мусика ва санъат мактаби реконструкция қилинди. 9 таси янгидан бунёд этилди. Бу яратилган шарт-шароитлар ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

зи, дунёқароши ўзгармоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими муассасаларида ўқувчиларни спорт билан мунтазам шуғулланиши учун қулай шарт-шароит яратиш, спорт мажмуалари барпо қилиш масаласи доимий диққат-эътиборда. Хусусан, мактабдан ташқари таълим тизимини такомиллаштириш тўғрисидаги қарор асосида жорий йилда Қонлиқўл, Кегайли, Мўйнок, Хўжайли, Чимбой ва Нукус туманларидаги «Баркамол авлод» болалар марказлари бинолари капитал таъмирланди.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг 2014 йил манзилли дастурига кўра 4 янги қурилиш, 1 реконструкция, 1 капитал таъмирлаш ва 5 мактаб қошида спорт заллари қуриш ишлари якунига етказилмоқда.

Қорақалпоғистонда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида оламшумул ютуқларга эришишда янада яқиндан танишди. Биринчи кундан белгиланган ўқув дастури асосида



Ўза олган суратлар.

МУАССИС:



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Ulug'bek MUSTAFOYEV	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	MUSTAFOYEV	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	MUHIDDIN	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxon — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda o'z xatiga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1159 11112 Nashr ko'rsatkichi — 220 t — Tijorat materiallari O'za yakuni — 21.00 Topshirilgan vaqti — 01.45

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Erkin XOLBOBOYEV

Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV Behzod ABDUNAZAROV



1 2 3 4 5